

МАХАМАДХОДЖАЕВ Бахромхўжа
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси ўқитувчиси

АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИДА КУФА МАКТАБИНИНГ ЎРНИ

МЕСТО ШКОЛЫ КУФЫ В ИСТОРИИ АРАБСКОГО ЯЗЫКОЗНАНИЯ

THE PLACE OF THE SCHOOL OF KUFA IN THE HISTORY OF ARABIC LINGUISTICS

Аннотация. VII-VIII аср араб тилшунослигининг дастлабки марказлари Ироқнинг Басра ва Куфа шаҳарлари ҳисобланган. Басра ва Куфа шаҳарларида иккита лисоний мактаб ташкил топган бўлиб, улар ўртасида тилшуносликнинг кўпгина масалалари юзасидан «фикрлар жанги», қизгин баҳслар, мунозаралар олиб борилган. Мақолада Куфа мактабининг ривожланиш тарихи ва ҳозирги араб грамматикасига қўшган ҳиссаси ва асосчилари ҳақида маълумот берилди.

Калим сўзалр: араб тилшунослиги, VII-VIII аср, Ироқ, тилшунослик мактаблари, Куфа мактаби, вакиллар, мусулмон дунёси, классик араб тили, шевалар, олимлар.

Аннотация. Первыми центрами арабского языкознания в VII-VIII вв. были иракские города Басра и Куфа. В городах Басра и Куфа были созданы две лингвистические школы, между которыми велась «битва идей», острые споры и дискуссии по многим вопросам языкознания. В статье представлена информация об истории развития школы Куфы и ее вкладе в современную арабскую грамматику и ее основателях.

Ключевые слов: арабское языкознание, VII-VIII века, Ирак, школы языкознания, школа Куфы, представители, мусульманский мир, классический арабский язык, диалекты, ученые.

Annotation. The first centers of Arabic linguistics in the 7th-8th centuries. were the Iraqi cities of Basra and Kufa. In the cities of Basra and Kufa, two linguistic

schools were created, between which there was a «battle of ideas», sharp disputes and discussions on many issues of linguistics. The article provides information about the history of the development of the Kufa school and its contribution to modern Arabic grammar and its founders.

Keywords: Arabic linguistics, 7th-8th centuries, Iraq, schools of linguistics, Kufa school, representatives, Muslim world, classical Arabic, dialects, scholars.

КИРИШ

«Араб тилшунослиги» деб юритилувчи тилшунослик мактаби дунёга «араб тилшунослик мактаби» номи билан машхур бўлса ҳам, лекин араб маданияти, жумладан, араб тилшунослигининг ривожига халифалик таркибига кирган деярли барча халқлар қисса кўшган. Бу даврда ислом таъсири остида яратилган асарларнинг қаммаси араб тилида ёзилганлиги сабабли ҳам, улар дунёга араб маданияти номи билан танилди.

Эрон адабиёти тарихи мутахассиси Брауннинг таъкидлашича, Аббосийлар давридаги (749-846) 45 та йирик фан арбобларининг 30 таси эронлик бўлган. Шунингдек, араб маданиятининг ривожига туркий халқларнинг ҳам хизмати каттадир.

Шундай қилиб, «араб маданияти», «араб тилшунослиги» деганда, фақат арабларнинг ўз маданияти, тилшунослиги эмас, балки халифалик таркибида бирлашган барча халқларнинг маданияти, тилшунослиги тушунилади. Араб тилшунослиги амалий эҳтиёж натижасида, Куръон матнини тўғри талаффуз қилиш эҳтиёжи билан, шунингдек, араблар билан шуубийлар (эронийлар) ўртасидаги араб тили юзасидан мубоҳасаси жараёнида вужудга келди. Куръон матнини тўғри талаффуз қилиш эҳтиёжи икки жиҳатдан майдонга келди. Биринчиси, Куръон яратилган классик араб тили билан кейинчалик жонли араб сўзлашув тили ўртасида бирмунча ўзгариш рўй берди. Иккинчидан, араб бўлмаган кишиларнинг Куръонни ўқишларида ғализлик сезилди. Араблар билан шуубийлар ўртасидаги сиёсий курашнинг илдизлари шундаки, аббосийлар Эрон феодаллари ёрдами билан ҳокимият тепасига келди. Шунинг учун ҳам Бағдод халифалигида эронийларнинг таъсири

жуда кучайди. Бундан норози бўлган араб зодагонлари ўзларининг нуфузини сақлаб қолмоқ учун араб тилининг бошқа тиллардан устун эканлигини, унинг муқаддаслигини улуғладилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Араб тилининг алоҳида грамматик ҳодисаларини тавсифлаш VII асрга тўғри келади. VIII асрнинг биринчи ярмида Басра ва Куфада - Дажла ва Фурот дарёлари ҳавзасида жойлашган икки шаҳар, бир-бири билан рақобатлашадиган мактаблар пайдо бўлди. Бу икки шаҳарда ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган масалаларда бир-бири билан чексиз ва қизгин баҳс-мунозаралар олиб борадиган иккита грамматик мактаб яратилди, улар бир неча асрлардан сўнг, грамматик фанлар маркази Араб халифалиги пойтахти Бағдодга кўча бошлаганидан кейингина барҳам топди.

Аввал Басра мактаби, бирмунча кейин Ироқнинг бошқа бир шаҳри Куфада грамматиканинг иккинчи мактаби пайдо бўлди. Мактаблар ўртасидаги фарқларни аниқлаш қийин. Аниқланишича, басрийлар нутқларнинг классик қонунлардан четга чиқишига йўл қўймадилар. Куфа этник таркиби жиҳатидан жуда хилма-хил шаҳар бўлиб, бу ерда она тилининг софлигини сақлаш жуда қийин эди. Куфий грамматикачилари лингвистик фактларнинг кўпроқ эркин талқини бўлган ва баъзи ҳолларда тилнинг классик қолипларини ўзгартиришга йўл қўйган.

Басралик наҳвшуносларда фалсафа ва мантиққа бўлган майлнинг тобелиги аниқланди. Бу майлнинг кўпи ривоят ва нақлларга эди. Шунинг наҳвшунослар бир жиҳатдан ва бошқа бир жиҳатдан ҳадис аҳли ўртасида кураш пайдо бўлди. Бу кураш басралик қориларни арабча усулларни билмасликда айбланган пайтларида юқори даражасига чиқди.

Наҳвий қоидаларни ва луғавий таркиблашда қироатларни ҳисобга олишмади. Аммо ҳадис аҳли билан хусуматлари шуки, назарларида ҳадис ривоят қилувчилар араб бўлишмаган. Ҳадис ровийлари ривоятларини лафз билан эмас, маъно билан киритишган. Тил ва наҳв соҳасида ҳадис ривоятини ҳужжат

қилишлик рад қилинган. Басраликлар мантик ва ақлга таянишган. Басра мактаби шаклланиб, ривожлангандан кейин Куфа мактаби вужудга келди. Басра мактаби ўзининг тартиб-қоидаларини жорий қилиб бўлгач, мана шу мактаб яқинида яна бир янги ўзига хос мактаб пайдо бўлди. Ҳатто Куфа мактаби Басра мактабининг хатоларини тузатиш учун вужудга келган, дейишади. Куфа уламолари дастлабки устозларини Басра уламоларидан олишди.

Жафар Руаса – Куфаликлар устози, Басрада ўқувчилик қилган. Ана шу вақтда Басра ўзининг граматикасига асос солаётган эди. Куфа мактаби эса фикҳ ва қироат каби бошқа илмларни шакллантираётган эди. Натижада ҳанафий мазҳаби бўлган фикҳий мазҳаб ҳосил бўлди. Етти қироатдан учтасини эътиборга олинадиган бўлди: Осим, Ҳамза ва Кисой.

Куфа грамматиқасининг дастлабки бошланғич таржима китоблари Абу Жафар Руасага боғлиқ (вафоти 190-ҳижрий йил). У Басрада яшаган Исо ибн Умар ва Абу Амр ибн Аъло қўлида ўқувчилик қилган. Сўнгра Куфага кўчган. Файсол деб номланган грамматикага оид китобни тузди. Роисийнинг унга аниқ таъсири бўлмаган. Бунда Абу Ҳотим Сижистоний: Куфадаги грамматик деб Абу Жафар Руасани назарда тутган эди. У илмга ташна бошқа нарсасига эмас. Унинг замондоши бўлган Муоз Хиродир (вафоти 190-ҳижрий йил). У ҳам Басрада дарс олди. Сўнгра Куфага кўчди. Айтишларича, Фарро унинг ўқувчиларидан эди. Куфа грамматиқасининг ҳақиқий бошланиши Кисой ва Фарро билан боғлиқ. Улар мана шу наҳвга сурат чизишган ва асослари ва усулларини шакллантирган.

Кисой Басра мактабидан ажралиб турадиган хос истилоҳларида Фарро шакллантирган грамматика орасида Куфа мактабининг асосий фикрларини ифодалади.

Куфа мактаби бир қанча масалаларда Басра мактабидан фарқ қилди:

а) Ривоятдаги кенгликлар – сўзни маъносига ёки грамматик қоидага кўра эркин ишлатиш.

Куфаликлар услуби араблардан эшитилган ҳар бир нарсани қабул қилиниши ва уни тилшунослик усулларини асл қоида қилиб олинишидир.

Басраликларга хилоф тарзда араблардан грамматикани олишда кенгчилик қилишди.

Басраликлар анъанавий фикрга суянишган, шоз бўлган ҳар бир нарсани тарк қилишар эди. Куфаликлар эса араблардан эшитилган наҳвга оид ҳар бир нарса тасдиқлашган.

б) Қиёсдаги кенглик. Куфаликлар шеър ва луғат ривоятида кенгликка эътибор берган. Кўп ишларда жоиз деб ҳисоблаганлар. Кам ва нодир қиёслар ўртасини ажратишмаган. Куфаликлар наздида уларнинг ҳар бири ҳужжатдир. «Иқтироҳ» китобининг муаллифи шундай дейди: Андалусий Муфассалнинг шарҳида: «Куфаликлар усулларга хилоф нарсанинг жоизлиги бор бўлган бирор байтни эшитса, уни асл қилиб, бобларга ажратишарди» деб келтирилган.

д) Истилоҳларда хилма-хиллик. Куфаликлар мактаби Басра мактабига ўхшаган бўлиб қолиш сабабини бартараф қилиш учун Басраликлар истилоҳидан фарқли истилоҳлар билан грамматикаларини аниқлашга киришганлар.

е) Омилларни¹ белгилашдаги фарқли ўринлар: масалан, мубтадо ва хабар² бобидаги фарқланиш. Басраликлар мубтадо ибтидоликка кўра раф қилинган, хабар эса мубтадо билан раф қилингандир деб қарашган. Куфа мактаби эса у иккисидан бири раф бўлганда бошқасини раф қилади. Шунингдек, раф қилинган музореъ феълини³ эъроблаш⁴ масаласидаги Басраликларнинг қарашини феъл исмининг ўрнига тушиб қолганлиги учун раф бўлишидир. Куфаликларнинг раиси Кисойига кўра музореъ феъли музориат ҳарфи билан раф бўлади. Аммо Фарронинг қарашича феълнинг раф бўлиши насб ва жазм қилувчи ҳарфлардан⁵ ҳоли бўлганлиги учундир. Кисойи айтган гапига ҳосил бўлган этироз – музориат ҳарфи⁶ феълнинг жузидир. Қандай қилиб бир жуз барчасида амал қилиши мумкин. Аммо шарт гаплардаги икки музореъ феълини эъроблашдаги масалада

Басраликларнинг жумҳур олимлари шарт одати⁷ биринчи феълдаги омилдир. Иккинчи феълдаги омил эса шарт одатининг ўтганлигидир деб қарашган. Бироқ Куфаликлар шарт феъли одат билан бир жуздир. Жавоб феъли эса яқинлик билан бир жуздир деб фикр юритишган.

Куфа мактабидан етиб келган энг қадимги ёдгорлик Кисойининг «Оддий халқ нутқидаги грамматик хатолар ҳақида рисола» [12:280] асари саналади ва унда муҳим диалектологик маълумотлар бор. Кисойи Куфада туғилган, лекин қачон туғилганлиги номаълум. Ўз туғилган шаҳрида филологик маълумотга эга бўлгандан сўнг, янада чуқурроқ билимга эга бўлмоқ учун Басрага Халил ҳузурига борди. Халил тавсияси билан жонли араб тилини ўрганиш учун бадавийлар ичига йўл олди. Шундай қилиб, у бадавий қабилаларининг жонли тилини пухта ўзлаштирди. Дастлаб Басрада, сўнг Бағдодда истиқомат қилиб, даврининг етук олимлари билан бир неча бор шахсий баҳсларда иштирок этди. Ана шундай баҳслардан бири Сибавайҳий билан бўлиб ўтди ва бу баҳс Кисойи фойдасига ҳал бўлди.

Куфа мактабининг сўнгги вакиллари билан бири Муҳаммад ал-Анбарий қарама-қарши маъноли сўзлар қақида йирик китоб яратди.

XI аср бошларига келиб, Басра ва Куфа мактаблари ўртасидаги рақобат тўхтайди ва ҳар икки мактаб ютуқларидан баробар фойдаланадиган янги авлод дунёга келди. Араб филологияси маркази халифалик пойтахти бўлган Бағдодга кўчди. Бу ерда халифа саройида ҳар икки мактабга мансуб бўлган олимлар бир ёқадан бош чиқариб филологияни янги чўққиларга олиб чиқиш учун курашди.

Агар Ғарбий Европа ўрта асрлари фанимиз тарихида узоқ вақт «омадсиз» бўлган бўлса, унда ҳозирги араб (аниқроғи, араб-мусулмон, чунки унинг яратилишида нафақат араблар туғилган) тилшунослиги, аксинча, тарихий ва тилшунослик асарларида ҳамиша муносиб ўрин эгаллаган. Бу борада рус фанида тилшунослик тарихи бўйича энг тўлиқ антологияни яратувчиси В.А. Звегинцев: «Араблар нафақат қадимги дунё маданий қадрийатларининг сақловчилари, балки ... жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган чуқур ва меҳнаткаш олимлар эдилар. Уларнинг илмий

¹ Омил деб маънони такозо этувчи эъробни ҳосил қилувчига айтилади.

² Мубтадо – исмий жумланинг эгаси, хабар – исмий жумланинг кесими.

³ ҳозирги-келаси замон феъли

⁴ Турлаш; (келишқларда)

⁵ Музорий феълига жазм қилувчи ҳарф ёки калималар кирса, у жазм ҳолатида бўлади.

⁶ ҳозирги-келаси замон феълини англатувчи ҳарфлар.

⁷ Шарт ҳарфлари жумланинг бошида келади.

ютукларининг ана шу умумий характеристикаси тилшуносликка тўлиқ тааллуқлидир» [2:368].

Араб тилшунослари айниқса лексикографияга жиддий аҳамият берганлар ва жуда кўп луғатлар яратганлар. Бағдод мактаби вакили ҳинд мусулмони Сағоний (1181-1252 йй.) тузган ва «Тўлқинлар тошқини» деб номланган 20 томлик луғат, Ферузободий (1329-1414 йй.) тузган ва «Қомус» деб аталган 60 томлик луғат, мисрлик ибн Мансур (1232-1311 йй.) тузган ноёб сўзлар луғати шулар жумласидандир.

Ал-Фирозободий Ибн Сид (1329-1414 йй.) ва ҳинд мусулмони Сағоний (1181-1252 йй.) асарларидан жамланган 60, бошқа манбаларга кўра эса 100 жилдлик луғат тузган бўлиб, унга жанубий араб луғатини сезиларли даражада қўшган. Луғатлар орасидаги бу дев сакланмаган, аммо унинг асосида Фирозободий «Қомус» («Океан») деб аталган бошқасини тузган; унинг машҳурлигидан далолат берадики, келажакда барча луғатлар умуман шу ном билан атала бошланди [13].

Араб тилшунослиги тарихида Маҳмуд ал-Қошғарий номи билан машҳур бўлган сирли олим жуда ажралиб туради. Бу «туркшунослик қаҳрамони»нинг 1073-1074 йилларда ёзилган кўп жилдли асари – «Туркий тиллар девони» араб илмий адабиёти қаторидан йўқолиб қолган ва кўп асрлар ўтиб, бизнинг давримизда Ўзбекистон Республикаси кутубхонасидан топилган.

Араб лексикографиясида луғатлар мазмунига кўра 6 гуруҳга бўлинади:

1. Тўлиқ изоҳли луғатлар;
2. Мавзувий луғатлар;
3. Синонимлар луғати;
4. Ноёб сўзлар луғати;
5. Ўзлашган сўзлар луғати;
6. Таржима луғатлари.

Араб лексикографияси шарқ мамлакатларига, кейинроқ Европа мамлакатларига ҳам катта таъсир кўрсатди. Луғат яратиш борасида араблар ўз она тилларидан ташқари форс, мўғул, туркий тиллар масалалари билан ҳам шуғулланганлар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, халифалик даврида (VII-XII асрлар) араб тилшунослигининг жадал ривожланиши тадқиқотчиларни ҳамиша

хайратда қолдирган. Асрлар давомида қадимги дунёнинг кўплаб маданий қадриятлари мавжуд бўлиб, кейин уларни янги давр Европасига кўчирди.

Араб тилшунослигининг энг катта ютуқлари фонетика ёки грамматика соҳасида эмас, балки лексикология ва аниқроғи лексикография соҳасидандир. Араблар жуда катта миқдордаги лексик материалларни тўплашди ва уларни ҳар хил турдаги луғатларга таснифладилар (мавзу бўйича луғатлар энг машҳури еди). Улар араб тилининг хайратланарли лексик бойлигини ҳар томонлама таъкидлаб бердилар.

АДАБИЁТАР:

1. Алимжанова З. Н. Арабская лексикография. – Т. ТашГИВ, 2011. – С. 112.
2. Алпатов В. М. Тилшунослик таълимотлари тарихи. Университетлар учун дарслик. 4-нашр. – М.: Славян маданияти тиллари, 2005. – Б. 368.
3. Белкин В.М. Арабская лексикология. –М.: Моск. Унв.1961. – 200 с.
4. Бодарий Д.Н. Мукамал сарф дарслиги. – Тошкент, Мовароунаҳр, 2004. – 584 б.
5. Гиргас В. Очерк грамматической системы арабов. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1873. – 203 с.
6. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. – М.: МГУ, 1958. – 80 с.
7. Кононов А.Н., Нигматов Х.Г. Маҳмуд Кашгарский тюркских языках, – Т.: Ўқитувчи, 1969. – 324 б.
8. Крымский А.Е. Семитские языки и народы. изд.2-е. М., 1909-1912. – С. 350.
9. Маматохунова Д.К., Мирзиётов Ш.М. Араб филологиясига кириш. – Т.: ТошДШИ, 2010. – 164 б.
10. Неъматов Ҳ. XI асрдаги туркий тилларнинг Маҳмуд Қошғарий томонидан қилинган таснифи. Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: «Шарқ», 1969. – 342 б.
11. Носирова М.А. Тилшунослик билимлари тарихи (Араб тилшунослиги). – Т.: ТошДШУ, 2011. – Б. 248.
12. Шагал В.Е. Арабские страны: язык и общество. – М.: Вост. лит. РАН, 1998. -280 с.
13. Шагал В.Е. Учебник арабского языка. –М: Политиздат, 1981. – С. 786.
14. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. М.: Наука, 1985. – 172 с.